



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: "ЮРТДОШЛАРИМИЗ ЧИНАКАМ САБР-ТОҚАТ ВА МАСЪУЛИЯТ, МЕҲР-ОҚИБАТ ФАЗИЛАТЛАРИНИ НАМОЁН ЭТМОҚДА"

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 апрель куни пандемия даврида аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш ва нарх-наво барқарорлигини сақлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказди. Тадбир аввалида 27 апрель кечаси Бухоро, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида юз берган табиий офат ва унинг оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирларига ҳамда коронавирус инфекциясига қарши кураш доирасида юртимизда амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтди, кенг жамоатчиликка мурожаат қилди. Давлатимиз раҳбари, жумладан, шундай деди:

— Хабарингиз бор, мен кеча Бухоро вилоятида бўлиб, юзага келган вазият билан яқиндан танишдим. Бу масала бўйича тузилган Республика комиссияси ва жойлардаги масъул мутасаддилар билан биргаликда ушбу ҳудудларда амалга оширилаётган ишларни батафсил муҳокама қилиб, тегишли чора-тадбирларни белгилаб олди.

Мазкур вилоятларда бир қатор ижтимоий соҳа объектлари, табиий газ ва электр тармоқларига, турар жой бинолари ва маданий мерос иншоотларига, шунингдек, қишлоқ хўжалиги майдонларига жиддий талафот етган.

Шуни таъкидлаб айтмоқчиманки, давлатимиз, ҳукуматимиз томонидан табиий офатдан зарар кўрган ташкилот ва хўжаликларга, фуқароларга ёрдам ва кўмак бериш бўйича барча чора-тадбирлар ўз вақтида амалга оширилади.

Такрор айтаман, биронта ҳам юртдошимизни, биронта ҳам оилани ушбу кутилмаган фалокат қаршисида ёлғиз қолдирмаймиз.

Энди эпидемиологик вазият ва пандемияга қарши кураш бўйича ишларга тўхталасан.

Бугунги кунда мамлакатимиз бўйича ушбу касалликка чалинган беморларнинг 55 фоиздан ортиги тўлиқ соғайганини алоҳида қайд этмоқчиман.

Қолган беморларни ҳам даволаш бераётган бўлиб, ўзимизда амалий ёрдам кўрсатган 18 нафар хитойлик, германиялик, корейлик врачлар ҳамда телемедицина орқали бошқа етакчи хорижий мутахассислар билан ҳамкорлик қилган ҳолда, барча зарур чоралар кўриломоқда.

Мамлакатимиз табиий ҳодимларнинг бугунги кунда касалликка қарши олиб бораётган машаққатли ва ўта масъулиятли

меҳнатини муносиб қадрлаш ва рағбатлантириш учун кунга кеча яна бир муҳим қарорни имзоладим. Унга ўра, санитария-эпидемиология хизматининг қарийб 11 мингга яқин барча тоифадаги табиий ҳодимларининг иш ҳақи 2,5 бараварга оширилди.

Умуман, карантин қоидаларини ўз вақтида жорий этганимиз ва халқимиз унга сабр-тоқат билан амал қилаётгани тўғрисида кўп қўлдошларни кўриб ўтдик.

Шу ўринда кўнглимдаги бир фикрни жамоатчилигимиз, халқимизга очик айтмоқчиман.

Мана, бир ярим ойдан ошдики, эл-юртимиз "Ўйда қолинг" деган даъватга амал қилиб, юксак жасорат кўрсатиб, ялли карантин шароитида яшамоқда. Оилам, бола-чақам, деб тиниб-тинчи-майдаган, эртаю кеч гайрат билан меҳнат қиладиган халқимиз учун бундай мажбурий ҳолат, албатта, осон кечаётгани йўқ.

Юртдошларимиз оғир синов кунларидан чинакам сабр-тоқат ва масъулият, меҳр-оқибат фазилатларини намоён этяпти. Буни жаҳон ҳамжамияти ҳам тан олиб, ҳар томонлама эътироф этмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, пандемияга қарши курашнинг олдинги сафларида чинакам қаҳрамонлик кўрсатаётган барча шифокорларимизга, шу жумладан, тез ёрдам хизмати ходимлари ва ҳайдоқларига алоҳида миннатдорчилик билдираман.

Шу жараёнда ўзини аямасдан хизмат қиладиган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига, мард ва жасур

ҳарбийларимизга, вазирлик ва идоралар, ҳокимликларнинг раҳбарлари ва хизматчиларига, мухтарам нурунийларимиз ва маҳалла фаолларига, саҳovatпеша тадбиркорларимизга, олимларимиз, ўқитувчи ва домлалар, ижодкор зиёлиларимиз, имом-хатибларимизга чин дилдан раҳмат айтаман.

Ҳозирги мураккаб шароитда ўз профессионал бурчини виждонан бажараётган оммавий ахборот воситалари вакилларига, инсонпарварлик намунасини кўрсатиб, кўнглили бўлиб волонтерлик ҳаракатида қатнашаётган фидойи ёшларимизга ўз номидан, халқимиз номидан катта миннатдорчилик билдираман.

Хурматли дўстлар! Республикаимизда санитар-эпидемиологик вазият аста-секин барқарорлашиб бораётганини ҳисобга олиб, мутахассислар билан маслаҳатлашган ҳолда, карантиндан босқичма-босқич чиқиш бўйича навбатдаги қадамларни қўйиш вақти келди.

Чунки ҳаёт давом этмоқда. Биз эртанги кун ҳақида, эл-юртимизнинг келажаги тўғрисида ҳар дақиқа ўйлашимиз керак.

Биринчидан, санитария-эпидемиология ҳолатининг ижобий динамикаси, об-хаво шароити ва фуқароларнинг кўплаб мурожаатларини инobatта олган ҳолда, шаҳар ва туманлардаги кўп қаватли уйларнинг ички ҳовли ва ҳудудларида ота-оналар ҳамроҳлигида болаларини сайр қилдиришга рuxсат бериш керак. Бунда хавфсизлик чораларига қатъий риоя қилиш талаб этилади.

Ички ишлар вазирлиги ва Миллий

гвардия ушбу топшириқнинг ижросини сўзсиз таъминлаш чорасини кўрсин.

Тошкент шаҳри бу борада намуна бўлиши керак.

Иккинчидан, пишиб етилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нобуд бўлишининг олдини олиш мақсадида аҳоли талабларидан келиб чиқиб, фермер ва деҳқонларимиз томонидан етиштирилган мева-сабзавот, полиз ва кўкрат маҳсулотларини жойларга етказиш ва сотиш учун вилоятларга ва шаҳарлараро қатновларни амалга оширишга рuxсат бериш лозим.

Мисол учун, илгари Фарғона водийсидан Қамчиқ довои орқали пойтахтимиз ва бошқа ҳудудларга кўплаб маҳсулотлар олиб борилар эди. Бу ишлар ҳам ҳозир тўхтаб турибди. Шунинг учун Бош прокурор бошчилигидаги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш комиссиясига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жойларга етказиш бўйича 24 соат ишлайдиган узлуксиз тизим ташкил этиш топширилди.

Ички ишлар вазирлиги деҳқон ва фермер хўжалиқларининг автотранспорт воситаларини ҳудудлараро постларда кўтиб олиш, уларни ташкил этилган ярмаркалар ва савдо нуқталарига тартиб билан кузатиб боришни таъминласин.

Давлат солиқ қўмитаси, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги сотиш учун олиб келинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жойларда аҳоли талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, савдо майдончалари, ярмарка ва бозорларга йўналтириб борсин.

Учинчидан, аҳоли орасида касалликка чалиниш динамикаси пасайиб бораётганини инobatта олиб, фуқароларимиз томонидан шахсий автотранспортдан фойдаланишга чекловларни ҳам секин-аста юмшатиш мақсадида мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Республика комиссияси тегишли чекловлар ўрнатилган ҳудудларда аҳоли томонидан эрталаб соат 7:00 дан 10:00 гача ҳамда кечкурун 17:00 дан 20:00 гача шахсий автомашиналардан фойдаланишга рuxсат берилишини таъминласин.

Бунда: шахсий автотранспортдан, биринчи навбатда, фуқароларимизнинг иш жойига, табиий муассасаларига бориши ва уйига қайтиши, истеъмол маҳсулотлари, дори-дармон ва табиий буюмларни харид қилиши учун фойдаланиши; махсус рuxсатномаларга (стикерларга) эга ва етказиб бериш хизматини кўрсатаётган фуқаролар эса шахсий автотранспортда ҳеч қандай чекловсиз ҳаракатланиши мумкинлиги белгилансин.

Шу билан бирга, хурматли олимларимизга, илмий-тадқиқот институтлари ходимларига, профессор-ўқитувчиларимизга санитария-гигиена нормаларини таъминлаган ҳолда ўз лаборатория ва кафедраларида кундалик ишларини давом эттиришларига ижозат бериш мақсадида мувофиқ бўлар эди. Улар илмий ва ўқув жараёнларини ташкил этишга аста-секин тайёрларик қўриб боришларига, мен ўйлайман, вақт беришимиз керак.

Албатта, вазиятимиз аяшчиланиб, ижобий томонга ўзгариб бориши билан, 10 майдан кейин биз карантин режими босқичма-босқич юмшатишга қараб, ижобий ишларимизни янада дадилроқ давом эттираман.

Лекин такрор ва такрор айтаман: ҳамма жойда санитария талабларига амал қилишга биринчи даражали масала деб қарашимиз керак.

Мамлакатимизда пандемияга қарши кураш борасида ўтган вақт мобайнида муҳим тажриба орттирилди. Энди ундан юқумли касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш, санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилиш ҳамда табиий маданиятни ошириш йўлида самарали фойдаланишимиз зарур.

Таъкидлаб айтаман, агар бу талабларга барчамиз қатъий амал қилмасак, санитария-карантин нормаларига

аҳамият бермасак, шунча қилган ишларимиз, кўрган чора-тадбирларимиз зое кетиши ҳеч гап эмас.

Энг асосийси, ҳар биримизнинг соғлигимиз ўзимизга ва, айни вақтда, бутун халқимизнинг соғлиғи ҳар биримизга, бизнинг онгу тафаккуримиз, тартиб-интизом ва сабр-бардошимизга боғлиқ эканини барчамиз ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Хурматли селектор қатнашчилари! 20 апрелдаги йиғилишда вирусдан холи туман ва шаҳарларда карантин қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда, қорхоналар фаолиятини тиклаш бўйича топшириқ берилган эди.

Бунда, яна бир бор такрорлайман, шовилмасдан, пухта ўйлаб, карантин қоидаларига тўлиқ амал қиладиган қорхоналар ишини тиклаш лозим.

Бу борада Наманган вилоятида фаолиятини тўхтатган ёки паст қувватда ишлаётган 10 мингдан зиёд қорхонадан 2 минг 854 тасининг ишини тиклаш бўйича қарор қабул қилинган. Яна 851 тасининг ишлашига рuxсат бериш масаласи ўрганилмоқда.

Хоразм вилоятида 3 минг 350 та ишламаётган қорхонадан 448 тасининг фаолияти тикланади, 409 таси бўйича ўрганиш ўтказилмоқда.

Жиззах вилоятида иш қувватини пасайтирган 6 мингдан зиёд қорхонадан 534 тасининг фаолиятини тиклаш бўйича қарор қабул қилинган, 332 тасига рuxсат бериш масаласи қўриб чиқилмоқда.

Тошкент вилоятида иш ҳажми кескин пасайиб кетган 14 мингта қорхонадан 5 минг 399 тасининг фаолиятини тиклаш бўйича қарор қабул қилинган, 2 минг 833 таси бўйича ўрганиш давом этмоқда.

Ҳокимлар ва сектор раҳбарлари ўз ҳисоботида қорхоналар фаолиятини тиклаш бўйича ишларни қандай ташкил этгани ва уларда карантин қоидаларига тўлиқ бажарилишини шахсан қафолатлаши тўғрисида ахборот бериши керак.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ — БУГУНГИ КУНДАГИ ЭНГ МУҲИМ МАСАЛА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев расмийда 29 апрель куни пандемия даврида аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш ва нарх-наво барқарорлигини сақлаш масалаларига бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Жаҳон бозорида нефть, пахта, газ ва электр энергияси нархи пасайиб, озиқ-овқат товарларининг нархи ошиб бормоқда. Кўплаб давлатлар ун, дон, гуруч, ёғ, картошка каби маҳсулотларни экспорт қилишга чекловлар ўрнатди.

Шу боис, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш бугунги кундаги энг муҳим масала ҳисобланади. Бу борада мамлакатимизда суғориладиган майдонларда 2-3 мартадан ҳосил олиш, фойдаланишдан чиққан ерларни ўзлаштириш чоралари кўриломоқда. Ишлаб чиқариш ва сақлаш қувватлари кенгайтирилмоқда.

Йиғилишда маҳсулот етиштиришни ошириш, стратегик захираларни шакллантириш масалалари муҳокама қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси, ҳар бир вилоят ва туман раҳбарига жорий йил 1 июндан 2021 йил 1 июнгача аҳоли эҳтиёжини таъминлаш бўйича аниқ ҳисоб-китоб бўлиши кераклиги таъкидланди.

Туманларда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имкониятлари, оборотдан чиққан ерларни ўзлаштириш, мева-сабзавотчилик ва чорвачиликдаги резервлар аниқ белгилаб берилган. Энди шу бўйича ишни ташкил этиб, етишмайдиган маҳсулотни бошқа туманлардан олиш ёки ортиқчасини сотиш лозимлиги қайд этилди.

Мисол учун, Деҳқонobod туманида пахта экилмайди, ғалла эса лалми

майдонда етиштирилади. Чироқчи туманида 100 минг гектардан ортиқ яйлов ерлардан самарали фойдаланилмапти. Бу туманларда Қорақалпоғистон тажрибаси асосида кооперация усулида чорвачилик қорхоналари ташкил этиш яхши самара беради.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун юртимизда етарли ҳажмда етиштирилмайдиган маҳсулотлар майдонини кенгайтириш гоат муҳим.

Масалан, 2019 йилда қарийб 60 минг тонна гуруч импорт қилинган. Ёки етарли ер майдонлари бўла туриб, 150 минг тонна картошка четдан олиб келинган.

Шулардан келиб чиқиб, жорий йилда қўшимча 10 минг гектар ерларда, жумладан, Хоразмда 6 минг, Қорақалпоғистонда 3 минг, Сирдарёда 1 минг гектарда кўчат усулида шולי экиш бўйича топшириқ берилди. Картошка экиладиган майдонларни камида 50 минг гектарга етказиш ва ҳосилдорлигини 2 баробарга ошириш вазифаси қўйилди.

Ёр-мой сановати тизимидagi қувватлардан атиги 46 фоиз фойдаланилмоқда. Хомашнинг 90 фоизини чигит ташкил қилади. Шу боис, 22 та йирки ёғ-мой қорхонасига оборотдан чиққан 50 минг гектар ерни бириктириб, соя, махсар, кунгабоқар каби мойли экинлар етиштиришни йўлга қўйиш, улардан маҳсулот ишлаб чиқаришни 40 минг тоннага етказиш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЮРИДИК ТАЪЛИМ ВА ФАННИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда мамлакатда ўқув-педагогик жараёнга инновацион илгор ва халқаро таълим стандартларини жорий этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва профессор-ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш, шунингдек, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашни назарда тутадиган юридик таълим тизимини такомиллаштириш бўйича бир қатор аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, миллий юридик таълимнинг самарадорлиги нисбатан пастлигича қолмоқда, бу юқори малакали мутахассис-ҳуқуқшуносларни тайёрлаш ва мамлакатда

юридик фанни ривожлантиришга тўқсонлик қилаётган қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлиги билан изоҳланади.

Юридик кадрларни тайёрлаш соҳасида рақобатнинг мавжуд эмаслиги миллий юриспруденция илмий мактабининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатмоқда, шунингдек, ҳудудлардаги иқтидорли ёшлар учун тенг таълим олиш имкониятларини чекламоқда.

Ҳуқуқ соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижаларини амалий жиҳатдан жорий этиш, ўқитушининг илгор услубларидан кенг фойдаланиш, шунингдек, замонавий талабларни инobatта олган ҳолда таълим

стандартларини модернизациялаш ва ўқув дастурларини қайта қўриб чиқишга етарли эътибор берилмапти, бу эса юридик таълим сифати ва илмий салоҳиятини пасайишига олиб келмоқда.

Юридик таълим ва фан тизимини тубдан такомиллаштириш, уларнинг халқаро таълим майдонидаги рақобатбардошлигини таъминлаш, юридик кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, шунингдек, кенг юридик жамоатчилигининг:

Тошкент давлат юридик университети (кейинги ўринларда — ТДЮУ) "юриспруденция" мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўйича базавий олий таълим ва илмий-методик муассасаси этиб белгилаш;

Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ

Яқин келажақда рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялли ички маҳсулотидagi улущини 2 баравар кўпайтириш, замонавий тадбиркорлик хизматлари ҳажмини 3 баравар ошириш ва улар экспортини 100 миллион долларга етказиш имконияти яратилади.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисида Мурожаатномасида иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига рақамли технологияларни кенг жорий этиш энг устувор вазифа сифатида белгиланиб, 2020 йил — Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилинган эди. Президентимизнинг кеча матбуотда эълон қилинган "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни

кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада олиб борилаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Қарор билан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат соҳаларида ягона ваколатли орган этиб белгиланди, вазирлик ҳузурида Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқаруш маркази ҳамда Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари маркази ташкил қилинади.



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ — БУГУНГИ КУНДАГИ ЭНГ МУҲИМ МАСАЛА

Бошланиш 1-бетда

Бу йил ғалла ҳосилидан 735 минг тонна бугдой фермерлар ихтиёрида қолиши эълон қилинган, ҳосилдорликни 20 центнерга ошириш режалаштирилган. Бу ишлар фермерларнинг манфаатдорлигини ошириш, аҳолини дон ва ун маҳсулотлари билан етарли миқдорда таъминлаш учун қилинмоқда.

Мутасаддиларга донни бозор нархида сотиб олиш, донни қайта ишловчи хусусий корхоналарни жалб қилган ҳолда сақлаш ва қайта ишлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ички бозорни маҳсулот билан тўлдиривда томорқа, экспорт учун дала деҳқончилиги катта захира ҳисобланади. Икки йил олдин ташкил этилган "Томорқа хизмати" тизимидаги 244 та кор-

хонанинг 65 таси экспорт қилмоқда. Бироқ кўп жойларда бу хизмат тўлиқ ишламаяпти. Шу боис, мазкур тизимни такомиллаштириш, корхоналарга кўчат етиштириш учун ер ажратиш, уларни техника ва ускуналар билан таъминлаш зарурлиги қайд этилди.

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига хонадонларда маҳсулотларни сақлаш учун 20-30 тонналик кичик ҳажмли музлаткичлар қурилишини ташкил этиш вазифаси қўйилди. Йиғилишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саноат усулида қайта ишлашни кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Хусусан, сўт маҳсулотлари импорти ҳажми 70 миллион доллардан ошгани, юртимизда тўлиқ ишлаб чиқариш имкони бўлган майонез, томат, консервланган

маккажўхори ва нўхат ҳам четдан келтирилаётгани кўрсатиб ўтилди. Сутни қайта ишлаш даражаси Хоразм, Наманган, Сурхондарё вилоятларида 10 фоизга ҳам етмайди.

«Ўзбекизоққоқатхолдинг» компаниясига импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва қайта ишланган мева экспорти ҳажмини ошириш вазифаси қўйилди. Шунингдек, ички истеъмол талабидан ортиқча мева-сабзавотларни нобуд қилмай, ташқи бозорларга сотиш бўйича топшириқлар берилди.

Коронавирус пандемияси кўп масалалардаги хатоларни, жумладан, деҳқон бозорларидаги камчиликларни яққол кўрсатди. Шу боис, ҳозиргача бўлган стандартларни қайта кўриб чиқиш, деҳқон бозорларида давлат иштироки талабини бекор қилиб, хусусий сектор иш-

тирокида замонавий деҳқон бозорлари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Стратегик захираларни шакллантириш борасида ҳам жиддий камчиликлар борлиги маълум бўлди. Масалан, 6 турдаги маҳсулот бўйича захира шакллантирилмаган. Бугдой эса, аксинча, заруратга нисбатан 5 баробар кўп ғамланган.

Шу боис, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига стратегик захиралар номенклатураси ва ҳажмларини танқидий кўриб чиқиш, бу борада янги тизим яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан агро-саноат тармоғи раҳбарлари ва ҳоқимларнинг ҳисоботи эшитилди.

ЎЗА

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

АҚШ ЎЗБЕКИСТОННИ ДИНИЙ ЭРКИНЛИК СОҲАСИДА АЛОҲИДА ХАВОТИРГА МОЛИК ДАВЛАТЛАР РЎЙХАТИДАН ЧИҚАРДИ

АҚШ Халқаро диний эркинлик комиссияси (USCIRF) 2005 йилдан буён илк бор Давлат департаментига Ўзбекистонни алоҳида хавотирга молик давлатлар рўйхатига киритишни сўрамади. АҚШ Халқаро диний эркинлик комиссияси (USCIRF) 2020 йил 28 апрель куни 2019 йилда дунёда диний эркинлик ҳолатини баҳолайдиган яна бир ҳисоботни эълон қилди.

Ушбу ҳисоботнинг кириш қисмида комиссия раҳбарияти икки давлат — Ўзбекистон ва Суданни диний эркинлик соҳасида ижобий ўсиш кузатилаётган мамлакат сифатида қайд этди.

“Биз 2019 йилда айрим ҳукуматлар, хусусан, Ўзбекистон ва Суданнинг дин ва эътиқод эркинлиги учун хавфсиз муҳитни яратиш бўйича USCIRF билан фаол ҳамкорлик қилганидан хурсандимиз”, дея маълум қилди комиссия раиси Тони Перкинс.

Унинг таъкидлашича, Ўзбекистон 2019 йилда диний гуруҳлар учун кўпроқ эркинликни таъминлаш мажбуриятларини бажаришда сезиларли ютуқларга эришди.

Комиссия раиси ўринбосари Надин Маэна ҳам “The Washington Post” нашрига берган интервьюсида шу мазмунда баёнот қилди. Американинг етакчи наشري мақоласида комиссия Ўзбекистондаги диний эркинлик соҳасидаги ютуқларни юқори баҳолагани ва 2005 йилдан бери илк бор мамлакатни диний эркинлик соҳасида хавотирга молик давлатлар рўйхатидан чиқаришга қарор қилингани қайд этилди.

Ҳужжатда билдирилишича, Ўзбекистонда диний эркинлик учун шароитларни яхшилаш бўйича муҳим қадамлар қўйилди. Президент Шавкат Мирзиёев даврида ҳукумат диний жамоаларни рўйхатдан ўтма-

ган фаолиятлари учун таъқиб этиш амалиётини тўхтатди. Утган йилнинг август ойида Жаслик қамоқхонаси епилди.

“Ҳукумат диний эркинликни яхшилаш учун АҚШ ва бошқа халқаро шериклар билан ҳамжиҳат ишлашни давом эттирди”, дейилади ҳисоботнинг ўзбекистонга оид бандида.

Шунингдек, унда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги янги қонунни қабул қилиш жараёни қайд этилади, диний сабабларга кўра, маҳрум этилганларни озод қилиш амалиётини давом эттириш зарурлигига эътибор қаратилиб, комиссия Ўзбекистонни кузатувдаги давлатлар махсус рўйхатида юртишни тасвиф қилди.

АҚШнинг Халқаро диний эркинлик комиссияси вакиллари 2019 йилнинг май ва сентябрь ойларида Ўзбекистонга ташриф буюрган. Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси комиссия аъзолари ва экспертлари билан мунтазам равишда маслаҳатлашувлар ўтказилмоқда.

Бу йил АҚШ Давлат департаменти мамлакатимизни кузатувдаги давлатлар махсус рўйхатидан чиқариш тўғрисида яқиний қарор қабул қилиши кутилмоқда.

“Дунё” АА, Вашингтон

Муносабат

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ВА ДАВЛАТИМИЗ КЎМАГИ ХАЛҚИМИЗГА КАТТА МАДАД БЎЛДИ

Наргиза НЕЪМАТОВА,
Олот тумани ҳоқими

27 апрель куни мамлакатимизга кириб келган кучли шамол юртимизнинг бир қатор ҳудудлари қаторида бизнинг туманимиз инфратузилма тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги экинларига катта зарар келтирди. Бу табиий офат туфайли уй-жойлар, автотранспорт воситалари, инфратузилма объектлари ва экин майдонлари талафот кўрди.

Дилимизда фаҳр-ифтихор туйғуси янада жўш урди.

Учрашувда табиий офат оқибатларини зудлик билан бартараф этиш, турар жойлар ва инфратузилма объектларини таъмирлаш, аҳолига ҳар томонлама кўмаклашиш бўйича мутасаддиларга топшириқ берилди. Қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт тармоқлари, жамоат хавфсизлиги юзасидан теозор чора-тадбирлар белгиланди.

Айни пайтда амалий ишлар бошлаб юборилди. Туман ҳокимлиги ва тегишли идоралар мутахассисларидан тузилган ишчи гуруҳ барча ҳудудларни бирма-бир ўрганиб, тегишли вазифалар белгилаб олинди. Бугуннинг ўзида қурилиш материаллари етказиб берилди. Малакали усталар қурилишга жалб этилиб, ишни аҳоли уй-жойларини таъмирлашдан бошладик. Бунда маҳаллий мутахассисларга Мудофаа,



Шундай мураккаб вазиятда давлат миқёсидаги долзарб юмушлар кўлиги ва ноқулай об-ҳаво шароитига қарамай, Президентимиз зудлик билан туманимизга етиб келиб, вазиятни синчиклаб ўрганди. Туманимиз марказида фаоллар ва аҳоли вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида коронавирус пандемиясига қарши қаттиқ кураш олиб борилаётгани, қатъий тартиб-интизом ўрнатилгани туфайли яхши натижаларга эришилаётганини алоҳида таъкидлади. Бу табиий офат ҳам бир синов экани, саросимага тушмай, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсак, қийинчиликларни енгиб, янада куч-қудратга тўлишимиз ҳақида катта ишонч билан гапирди. Шунингдек, табиий офатдан зарар кўрган ҳар бир оиллага кўмак берилиши, бирорта хонадон, корхона, фермер хўжалиги эътибордан четда қолмаслиги айтилди. Бундай эътибор ва ғамхўрликдан ҳар бир юрдошимизнинг боши кўкка етди. Шу Ватан, шу юрт фуқароси эканимиздан



ЭРТАНГИ КУНГА УМИД ВА ИШОНЧИМИЗ МУСТАҲКАМ

Шерали САЛОМОВ,
Қорақўл тумани ҳоқими

Кейинги йилларда юртимизнинг бошқа ҳудудлари қатори Қорақўл туманида ҳам кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бунинг учун 300 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ йўналтирилди. Йўллар, қатор инфратузилма иншоотлари барпо этилди. “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” лойиҳалари асосида туманимиз маркази ва қишлоқлар чирой очди, янги аҳоли яшаш массивлари барпо этилди.

“Ҳаммасини бевосита кўриш, сизларнинг кайфиятларингизни кўтариш учун ўзим келдим. Қўлимизда барча маълумотлар бор. Қанча маблағ керак бўлса, берамиз. Бирорта хонадон, корхона, фермер хўжалиги эътибордан четда қолмайди. Энг катта масала — саранжом бўлиб, одамларни асраш керак”, деди Президентимиз.

Бу сўзлар бизга улкан куч-қувват бахш этди. Айни пайтда Президентимиз белгилаб берган вазифалардан келиб чиқиб, туманимизда авария-тиклаш ишларини уюшқоқлик билан бошлаб юбордик. Ҳозиргача туман маркази ва унга туташ ҳудудларда газ ва электр таъминоти, алоқа тизими тикланди. Бу ишлар босқичма-босқич барча қишлоқларда давом

этириляпти. Бунда бизга Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар, Мудофаа вазирликлари, Миллий гвардия вакиллари яқиндан кўмак бермоқда. Шунингдек, маҳалла фаоллари аҳоли хонадонлари ва томорқалар, кичик тадбиркорлик субъектларига етказилган зарар миқдорини аниқламоқда. Босқичма-босқич аҳоли уй-жойларини ҳам таъмирлаб, асл қиёфасини тиклаб берамиз.

Бугунги кунда туманимизда 164 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Давлатимиз раҳбари учрашувда туманлар ҳокимлигига шу оғир кунларда халқ орасига кириб, одамларнинг руҳини кўтариш, уларни бирлаштириб, халқимиз нималарга қодир эканини кўрсатиш бўйи-

ча ҳам аниқ вазифалар белгилаб берди. Саросимага тушмасдан, ҳар кунги юмушларни давом эттириш муҳим экани таъкидланди. Фуқаролар йиғинлари раислари шу мақсадда ҳар бир хонадонга кириб, аҳоли орасида иш олиб бормоқда. Шаҳсан мен ўзим ҳам қайси ҳудудга борсам, Президентимизнинг учрашувда айтган сўзларини халқимизга етказялман. Ўз навбатида, халқимиз ҳам оғир кунларда қўлаб-қувватлагани ва амалий кўмак бергани учун Президентимиздан миннатдор эканини изҳор этмоқда.

Туманимизда иқтисодиётнинг турли тармоқлари каби қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам юқори даромад олинади. Хусусан, жорий йилда 224 та фермер хўжалиги беш ярим минг гектардан зиёд майдонга ғалла, тўққиз минг гектарга пахта экан эди. Ҳудудларда натижада табиий офат бу далаларга ҳам зарар етказгани аниқланди. Шу кунларда экин нобуд бўлган майдонларга тақририй пахта экиш чоралари кўриляпти.


Хуллас, ушбу синовли кунларда биз, қорақўлликлар ёлғиз эмасмиз. Бизга ҳар томонлама кўмак берилмоқда. Буни халқимиз ҳам чин дилдан ҳис этиб турибди. Бундай эътибор ва ғамхўрлик барчамизга катта куч-қувват бахш этмоқда, эртанги кунга умид ва ишончимизни мустаҳкамламоқда.



Афсуски, 27 апрель кунги кучли довул оқибатида ана шундай замонавий иншоотларга, аҳоли хонадонларига жиддий шикаст етди. Қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиёт тармоқлари ҳам зарар кўрди. Бундай йўқотишлар халқимизнинг анчагина руҳини чўктирди.

Шундай шароитда Президентимиз зудлик билан вилоятимизга етиб келиб, вазиятни шахсан ўзи назоратга олгани бизни жуда руҳлантирди. Олот тумани марказида бўлиб ўтган учрашувда давлатимиз раҳбари кутилмаган табиий офат — кучли шамол одамлар турмуши, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларга салбий таъсир қилганини афсус билан қайд этди.

ЎЗБЕКИСТОНДА КОРОНАВИРУС БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ВА СОҒАЙГАНЛАР БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЮРИДИК ТАЪЛИМ ВА
ФАННИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиш 1-бетада

Самарқанд, Наманган ва Термиз давлат университетларида юридик факультетлар (кейинги ўринларда — юридик факультетлар) ташкил этиб, “юриспруденция” йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда шакллантириладиган ва тасдиқланган квоталар бўйича қабулни, шу жумладан, табақалаштирилган тўлов-контракт асосида қўшимча қабулни амалга ошириш;

давлат, ҳуқуқ ва сиёсий-ҳуқуқий таълим соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институтини ташкил этиш ҳақидаги тақлифи маъқуллансин.

Куйидагилар юридик таълим ва фанни янада ривожлантиришининг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

замонавий талаблар, илгор халқаро юридик тажриба ва меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида юқори малакали, ижодий фикрлайдиган, ҳалол кадрлар тайёрлашни таъминлаш;

ўқитишнинг кредит-модуль тизimini ва талабалар билимини баҳолаш усулларини тақомиллаштириш, ўқув жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш ҳамда ўқув базасини модернизациялаш;

клиник юридик таълимни ривожлантириш йўли билан ўқув жараёни ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўртасида узвий алоқани таъминлаш;

ривожланган хорижий давлатларнинг етакчи таълим ва илмий муассасалари билан ҳамкорликни, қўшма ҳуқуқий тадқиқотларни, профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўзаро алмашинуви фойдалантириш;

ахборот ҳуқуқий технологиялар ва тизимларни (Legal Tech) ишлаб чиққан ҳолда давлат ва ҳуқуқ соҳасида илмий ва инновацион тадқиқотларни ўтказиш;

хорижий ҳамкорлар билан биргаликда юридик кадрларни тайёрлаш бўйича қўшма таълим дастурларини (double degree) амалга ошириш, ўқув-таълим жараёнига хорижий олимлар ва мутахассисларни фаол жалб қилиш;

“Электрон университет” (E-University) тизимини жорий этган ҳолда очик, шаффоф, субъективлик ва суиистеъмолчиликлардан холи бўлган таълим муҳитини яратиш;

ТДЮу ва юридик факультетларни халқаро тан олинган таълим муассасалари рейтингига киритиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш орқали миллий юридик таълим рақобатбардошлигини ошириш.

3. Юридик кадрларни тайёрлашда бюуртма шакллантиришининг шундай тартиби жорий этилсинки, унга мувофиқ:

ТДЮу, юридик факультетлар ва юридик техникумларга қабул параметрлари юридик кадрларга бўлган эҳтиёжни мониторинг қилиш ва прогнозлаштириш электрон платформасини яратган ҳолда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, турли мулкчилик шаклидаги ташкилотлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларида жорий ва истиқболдаги юридик кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиб, ҳар бир ҳудуд, иқтисодий тармоқлар ва ижтимоий соҳалар кесимида тақлим қилиш асосида шакллантирилади;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳар йили белгиланган муддатларда иш берувчиларнинг юридик кадрларга бўлган эҳтиёжлари ҳақидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим қилади;

мулкчиликнинг барча шаклларидаги ташкилотлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари, юридик кадрларни тайёрлашда бюуртмани шакллантиришда иштирок этишга, хусусан, ТДЮу, юридик факультетлар ва юридик техникумларда кадрларни мақсадли тайёрлаш учун тўловни, улар томонидан ўқини тугатганидан сўнг, шартномада белгиланган муддат давомида ташкилот-бюуртмачида узлуксиз ишлаш мажбуриятини қабул қилган ҳолда, амалга оширишига ҳақли;

потенциал иш берувчилар билан биргаликда шартнома асосида мутахассислар тайёрлашни (таълим кластерлари) ташкил этган ҳолда юридик кадрларни тайёрлашда бюуртма жойлаштириш учун юридик кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасаларини саралаш танлови жорий этилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда мунтазам равишда тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан, кишлоқ ҳўжалиги

ишлаб чиқарувчиларига, ўз юридик хизматларини ташкил этишда кўмаклашин;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юридик маълумот зарур бўлган лавозимлар рўйхатини кенгайтирган ҳолда Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторини қайта қўриб чиқиш бўйича тақлифлар киритсин.

4. Тошкент давлат юридик университети Васийлик кенгашининг янги таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Васийлик кенгаши зиммасига, қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалар билан бир қаторда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, турли мулкчилик шаклидаги ташкилотлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларида юридик кадрларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжни чуқур тақлим қилиш асосида юридик кадрларни тайёрлашда бюуртмани самарали шакллантиришни таъминлаш вазифаси юклансин.

5. Куйидагилар:

ТДЮУда Нагоя университети (Япония) билан ҳамкорликда ташкил этилган япон тили ва ҳуқуқи ҳақидаги билимларга эга малакали юридик кадрларни тайёрлаш, академик алмашинуви ва қўшма илмий ҳуқуқий тадқиқотларни ўтказишга кўмаклашувчи Япон ҳуқуқини ўрганиш маркази фаолият юритаётганлиги;

Регенсбург университети (Германия Федератив Республикаси) билан 2020 йилда ТДЮУда немис тили ва ҳуқуқини биладиган юқори малакали юридик кадрларни тайёрлашга қаратилган Немис ҳуқуқи ва қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар марказини очиш тўғрисида келишувга эришилганлиги;

Буюк Британия ва Хитой Халқ Республикаси олий таълим муассасалари билан ТДЮУда инглиз ва хитой ҳуқуқини ўрганиш марказларини ташкил этиш бўйича музокаралар олиб борилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда ТДЮУга хорижий ҳуқуқни ўрганиш марказлари фаолиятини ташкил этишда ҳар томонлама кўмаклашиб бурсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва ТДЮУнинг куйидагилар тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин:

а) ТДЮУда Халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик факультети (кейинги ўринларда — Факультет) ташкил этиш, унинг зиммасига куйидаги асосий вазифаларни юклаш:

халқаро хусусий ҳуқуқ, шу жумладан, халқаро арбитраж ҳуқуқини чуқур ўрганиш, шунингдек, миллий ва япон, немис ҳуқуқи ҳамда бошқа ривожланган хорижий давлатлар ҳуқуқ тизимларини қиёсий тадқиқ қилиш асосида юқори малакали юридик кадрлар тайёрлаш;

Япония, Германия ва бошқа ривожланган хорижий давлатлар ҳуқуқи ва ҳуқуқий тизимларининг қиёсий тадқиқотлари натижаларини ҳисобга олган ҳолда халқаро ҳуқуқ нормаларини имплементация қилиш ва миллий қонунчиликни тақомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

хорижий ҳуқуқ ва ҳуқуқий тизимларни қиёсий тадқиқ қилиш мақсадида хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви ҳамда стажировкаларни тизимли асосда ташкил этиш;

конституциявий, фуқаролик, маъмурий, жиноят, жиноят-процессуал ва ҳуқуқнинг бошқа соҳаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

б) Факультетнинг асосий ҳамкорлиги сифатида Япония томонидан — Нагоя университетини, Германия Федератив Республикаси томонидан — Регенсбург университетини белгилаш.

Белгилансинки:

хорижий ҳуқуқни ўрганиш марказлари Факультет таркибида фаолият юритади; Факультет негизда хорижий таълим муассасалари ва халқаро ташкилотлар билан ҳуқуқ соҳасида қўшма тадқиқот, ўқув-таълим ва бошқа лойиҳаларни ташкил этиш бўйича майдон яратилади;

Факультетдаги ўқув жараёнига хорижий олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари фаол жалб этилади.

2021-2022 йилларда хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви ҳамда стажировкаларни ташкил этиш ҳақда.

Белгилансинки, ушбу бандда кўзда тутилган тадбирларни бажариш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда ҳомийлар ва донорлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда Тошкент шаҳрида, инновацион ўқув жараёнини ташкил этиш учун зарур инфратузилмага эга ТДЮУнинг замонавий кампусини барпо этиш имкониятларини ўрганиб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган тақлифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб куйидагиларни назарда тутувчи тақлифлари маъқуллансин:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ТДЮУ магистратурасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуринда Давлат тест маркази (кейинги ўринларда — Давлат тест маркази) томонидан ўтказиладиган тест синовлари орқали қабул қилиш, базавий олий юридик маълумотга эга бўлган шахслар учун ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда масофавий, сиртки ва кечки ўқитиш дастурларини жорий этиш;

базавий олий юридик маълумотга ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви марказий органларида юридик йўналиш бўйича камида беш йил иш стажига эга бўлган раҳбар ходимларни магистратурага ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда масофавий, сиртки ва кечки ўқитиш дастурлари бўйича ўқиш учун қабулни тегишли давлат органининг биринчи раҳбари тавсиясига кўра, кириш тест синовларисиз, тўлов-контракт асосида ва қабул параметрларидан ташқари амалга ошириш;

“юриспруденция” йўналиши бўйича бакалавриятни имтиёзли тугатган битирувчиларни ТДЮУ магистратурасига тест синовларисиз, тўлов-контракт асосида, ўқиш қийматининг 50 фоизини тўлаб, қабул параметрларидан ташқари, ўқини тугатгандан сўнг ТДЮУ, юридик факультетлар, юридик техникумлар ва ТДЮУ қошидаги лицейда камида уч йил узлуксиз ишлаш мажбуриятини юклаган ҳолда қабул қилиш тартибини жорий этиш;

ТДЮУ, юридик техникумлар ва ТДЮУ қошидаги академик лицейда пуллик асосда тайёрлов ва бошқа курсларни, ёзи ва қишки мактабларни, шу жумладан, чет эл фуқаролари учун ташкил этиш.

10. ТДЮУ ректорига бюджетдан ташқари (тўлов-контракт, шу жумладан, табақалаштирилган тўлов-контракт) маблағлар ҳисобидан:

хорижий мутахассисларни консултант, маърузачи ва ўқитувчи сифатида жалб этиш, уларга меҳнат бозорининг амалдаги конъюктурасини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи ва бошқа тўловларни белгилаш;

ТДЮУ бакалаврият, магистратураси истикболли битирувчилари ва ходимларининг хорижий таълим ва илмий муассасалари магистратура ва докторантурасида ўқиш қиймати ва у билан боғлиқ харажатлар учун тўловларни, улар томонидан ўқини тугатгандан сўнг ТДЮУда камида уч йил узлуксиз ишлаш мажбуриятини олиш шарти билан амалга ошириш;

ТДЮУ ва ТДЮУ қошидаги академик лицейнинг иқтидорли талаба ҳамда ўқувчиларига стипендия ва грантлар ажратиш ҳуқуқи берилсин.

11. ТДЮУ молиявий барқарорлиги ва таълим хизматлари бозорига талаб юқорилигини инобатга олиб, 2020 йил 1 январдан бошлаб ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, ТДЮУ ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасаларига берилган ҳуқуқлар билан бир қаторда куйидагиларни ҳам мустақил равишда амалга оширади: таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда ТДЮУ қошидаги академик лицейнинг ўқув-услубий жараёнини мувофиқлаштириш, унинг тузилмасини, ўқув режаларини ва дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, қабул параметрлари ва таълим йўналишларини белгилаш;

юридик техникумлар ва ТДЮУ қошидаги академик лицей педагог ходимларининг меҳнатини меъёраштириш;

хорижий олий таълим муассасалари билан тузилган келишувлар асосида қўшма таълим дастурларини амалга ошириш ҳамда ТДЮУ, юридик техникумлар ва ТДЮУ қошидаги академик лицейда

қўшма факультетлар ташкил этиш; ўқиш учун тўлов миқдорини ўрнатган ҳолда ТДЮУ бакалаврият ва магистратурасига табақалаштирилган тўлов-контракт асосида қўшимча қабул параметрларини белгилаш;

бакалаврият ва магистратурага қабул қилишда тест синовлари фанлари мажмуасини, шунингдек, ўқиш муддатлари ва талабалар томонидан ўқув машғулотларига қатнаш тартибини белгилаш;

ТДЮУ ва ТДЮУ қошидаги академик лицейда номутахассислик фанларни ўқитиш ва факультатив машғулотлар ўтказишни аутсорсинг шартларида ташкил этиш; давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги барча турдаги, шу жумладан, ТДЮУ ва ТДЮУ қошидаги академик лицейнинг бино ва иншоотларини қуриш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича келишувларни тузиш ва амалга ошириш;

инновация ва илмий фаолиятни тижоратлаштириш ҳамда молиявий ресурсларни, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида жалб қилиш учун тижорат ва нотижорат ташкилотлар (стартап, жамғарма ва бошқалар) тузиш;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда молия йили учун ТДЮУ ва ТДЮУ қошидаги академик лицейнинг даромадлар ва харажатлар сметасини, штат ҳақдавлени, бизнес-режасини тасдиқлаш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш, ходимларига иш ҳақини тўлаш тизими ва тартибини белгилаш.

12. Тошкент давлат юридик университети фаолиятини янада тақомиллаштириш бўйича “Йул харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги уч ой муддатда:

Коррупцияга қарши курашиш дастури, ходимлар ва талабалар (ўқувчилар) нинг одоб-ахлоқ кодексини, ходимларни коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида мурожаат қилиш ҳолатлари ҳақида хабардор қилишнинг шаффоф тартибини тасдиқлаш ҳамда Коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссияни тузиш;

ТДЮУни 2030 йилгача халқаро тан олинган ташкилотлар рейтингларидаги энг яхши олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш, шунингдек, унинг миллий рейтингини ўрнини юқсалтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси, Нотариал палата ва бошқа манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда адвокатлар, нотариуслар, ФХДЭ органлари ходимлари, юрисконсултлар ва бошқа ходимлар малакасини ошириш тизимини замонавий талаблар ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда тақомиллаштириш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

доимий асосда чоп этиладиган тақриз бериладиган талабалар юридик журналини тасвис этиш;

ТДЮУ қошида ТДЮУ ва юридик кадрлар тайёрловчи республиканинг бошқа олий таълим муассасалари талабаларини ихтиёрийлик асосида бирлаштирадиган ёш ёристарлар жамоат бирлашмасини ташкил этишга кўмаклашиш;

янги авлод дарсликлари ва ўқув кўпнамалари туркуминини амалга ошириладиган ҳуқуқий ислохотларни инобатга олиб, хорижий олимлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда тайёрлаш, шунингдек, мамлакатдаги ислохотларнинг замонавий бошқача эҳтиёжларини ва илгор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда ўқув режаларини ва дастурларини янгилаш ва қайта қўриб чиқиш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Самарқанд, Наманган ва Термиз давлат университетларида юридик факультетлар фаолиятини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин;

юридик факультетларни юқори малакали, замонавий таълим шакл ва услубларини эгаллаган, илмий салоҳият ва амалий иш тажрибасига эга бўлган педагог кадрлар билан тўлдирлишини таъминласин;

юридик факультетларда ўқув жараёнини кредит-модуль тизими, замонавий таълим технологиялари, энг янги ахборот ва ўқув-лаборатория жиҳозларини кенг жорий этиш ва фойдаланиш асосида ташкил этиш;

юридик факультет ўқитувчиларининг ҳар йили Ўзбекистон ҳамда хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасаларида, илмий-тадқиқот марказларида, қонунчилик, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органларида стажировка ўташи бўйича дастурлар тайёрланиши ва амалга оширилишини таъминласин;

уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига юридик факультетларнинг моддий-техник

базасини мустаҳкамлаш бўйича асослантирилган тақлифлар киритсин.

Юридик факультетлар ташкил этиладиган олий таълим муассасалари ректорларига юридик факультетлар профессор-ўқитувчилари учун уларнинг аниқ иш натижаларини ҳисобга олган ҳолда, олий таълим муассасаларининг мазкур факультетларида талабалар ўқишидан тушадиган бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қўшимча устамалар белгилаш ҳуқуқи берилсин.

15. Белгилаб қуйилсинки:

а) 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб юридик техникумларда:

номутахассислик фанлар сони қисқартирилиб, ўқув жараёни кредит-модуль тизимини қўлланган ҳолда ташкил қилинади;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини қабул қилиш Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовлари орқали амалга оширилиб, табақалаштирилган тўлов-контракт асосида қўшимча қабул тартиби жорий этилади;

юридик техникумлар ва ТДЮУ қошидаги академик лицейнинг қўшма таълим дастурларини ҳамда қўшма факультетларни тугатгандан сўнг ўқишни давом эттирган шахсларга берилган хорижий таълим муассасаларининг белгиланган шаклдаги дипломлари (бакалаврият, магистратура) Ўзбекистон Республикасида қўшимча маъмурий тартиб-таомилларсиз олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинади;

базавий олий юридик маълумотга эга, юридик техникумларда камида уч йил ишлаган педагог ва раҳбар ходимлар ТДЮУ магистратурасига кириш тест синовларисиз, тўлов-контракт асосида, қабул параметрларидан ташқари, ўқини тугатгандан сўнг тақсимот бўйича адлия органлари ва муассасаларида, биринчи навбатда, юридик техникумларда камида уч йил узлуксиз ишлаш мажбуриятини олган ҳолда, кириш ҳуқуқига эга;

б) 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб ТДЮУ қошидаги академик лицейда қабул тартиби ва параметрлари, шунингдек, ўқиш учун тўлов миқдори ТДЮУ томонидан мустақил белгиланган ҳолда, тўлов-контракт, шу жумладан, табақалаштирилган тўлов-контракт асосида қўшимча қабул тартиби жорий қилинади;

в) 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб ТДЮУ қошидаги академик лицейнинг барча фанлар бўйича юқори натижаларга эга битирувчиларни ТДЮУга кириш тест синовларисиз, яқна тартибда суҳбат ўтказиш орқали, тўлов-контракт асосида, қабул параметрларидан ташқари кириш ҳуқуқига эга.

16. Белгилансинки:

“Ҳуқуқ” таълим соҳаси учун давлат таълим стандарти Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилади ва тасдиқланади;

ТДЮУ, юридик факультетлар ва юридик техникумлар профессор-ўқитувчилари ва бошқа ходимлари вазирликлар ва идораларнинг ўқув, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий фаолияти, шунингдек, шартномалар доирасида қўрилган хизматлардан ташқари бошқа ишларга жалб этилиши мумкин эмас;

асосий воситалар ва товар-моддий бойликларини сотиш, пуллик курсларни ташкил этиш ва бошқа турдаги хизматларни қўрилган хизматлардан ташқари бошқа маблағлар билан, ТДЮУ ва юридик техникумларнинг ривожлантириш жамғармаларида тўланади, улар мазкур маблағларни мустақил равишда тасаруф қилади;

2020 йил 1 майдан бошлаб ТДЮУ, юридик техникумлар ва ТДЮУ қошидаги академик лицейнинг мол-мулкни ижарага беришдан келиб тушадиган маблағлар электрон савдо майдончаси оператори тўловини чегириб ташлаган ҳолда, тўлиқ ҳажмида мазкур муассасаларнинг ривожлантириш жамғармаларига ўтказилади;

ТДЮУга масофавий, сиртки ва кечки ўқитиш шаклларини ташкил этиш ҳуқуқи берилади;

ТДЮУ олий таълим муассасаларининг тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушган маблағлари ҳисобидан шакллантириладиган жамғармаларга ўтказиладиган барча ажратмалардан озод қилинади.

17. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига куйидаги ваколатлар берилсин:

юридик техникумларда тўлов-контракт асосида ўқиш қиймати ва уни тўлаш муддатларини, шунингдек, табақалаштирилган тўлов-контракт бўйича қўшимча қабул параметрлари ва ўқиш қийматини тасдиқлаш;

ТДЮУ, юридик техникумлар ва ТДЮУ қошидаги академик лицейнинг

маъмурий-бошқарув, ўқув-ёрдамчи, муҳандислик-техник, хизмат қўрсатиш ва бошқа ходимлари намунавий штатларини (нормативларини), шунингдек, юридик техникумлар тузилмасини ишлаб чиқиш ва тас

Бугуннинг гапи

АЁЛ БЎЛСА, УЙДА ТЎЛА НУР БЎЛАДИ...



Фарида АФРЎЗ, шоира

Вирус пандемияси ҳаммани бир хил ўйлайдиган, бир хил ҳаракат қиладиган қилиб қўйди. Яъни ҳамманинг нияти тезроқ бу офатдан қутулиш, чораси эса уйда ўтириш!
Қаранг, ажабо, одамзодни уйга қайтарди, бир мени ёки сизни эмас, бани одамзодни уйга қайтарди! Нега шугина, кўзга кўринмас зарраларнинг зарраси бутун одамзодни бошқа одамга айлантирди? Уни ҳалим қилди, ўйчан қилди. Энг асосийси, оилага қайтарди!



Дарвоқе, карантини чилла ўтириш, десак ҳам бўлади. Чунки қадимда аждодларимиз, чилла ўтириб (қирқ кун) ўзларини емоқ, ичмоқдан, одамлар нигоҳидан сақлаб, фақат ибодат қилиб поклаганлар ва тилаклар ижобат бўлаган. Бизнинг ҳам дуоларимиз ижобат бўладиган, тавбаларимиз қабул қилинадиган вақт келди. Покиза оиламиз билан покиза уйимизда, покиза бўлиб Парвардигордан сўрайлик: элимизни, ватанимизни, виждонимизни, имонимизни Ўзи асрасин!

Биз кейинги пайтларда уйимизга фақат ухлагани келадиган бўлиб қолгандик. Бугун карантин кунлари гуллар очилиб ётган боғчамни, уйдаги хоналарни кезиб, шулар ҳақида ўйлар эканман, биз яратган ҳар нарсанинг бизда ҳам ҳаққи бор экан-да, деган хаёлга келдим.

Ахир биз уларни экан эканмиз, ўз ниятларимизни ҳам қўшиб экамиз-ку. Хоналарга ҳашаматли мебель тўпламини жойлар эканмиз, ўз озуларимизни ҳам жойламадикми, деган фикр келди беихтиёр. Демак, нафақат улар бизники, балки биз ҳам уларники эканимизни унутмадикми, ахир.

Шу тобда онамни эсладим. Оҳ, жаннатим, онам. Қачон борсак эшик очиб, қозонда овқатлар пишган, уйлар саранжом-саришта... Уй тўла нур бўларди. Чиндан ҳам аёл — уйнинг чироғи!

Аёллар кўчага чиқиб, ишлаш бошлагач, уйдаги бу файз йўқола бошлади. Болалар қаровсиз, эркаклар меҳрсиз, аёллар муҳаббатсиз қолавердилар. Тўғри, рўзгор, талаблар, хоҳишлар даражаси ҳам ошди. Шунинг учун ҳамма ҳаракатда, тахликада. Ҳаммага ҳамма нарса керак! Нафслар урчий бошлади. Қоринлар тўйди, дўконлар, бозорлар тўлди, кўз тўймади. Аммо мана, булар экан-ку.

Афсус, энди вақтимиз бор, ихтиёримиз йўқ, молу давлатимиз бор, хотиржамлигимиз йўқ! Биргина карантин биз бино қўйган, керилиб юрадиган машина — темир, дуру гавҳарларимиз — тош, кийимлар — латта, пул эса қоғоз эканини англадиб қўйди.

Бувиларимиз булар ҳақида тез-тез бизни оғохлантирдилар. Боболаримиз эса "Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил!" қабилидаги ҳикматларни айтиб,

манманлигимизни синдириб турардилар. Қани улар? Уларнинг ҳам вақтлари йўқми ёки биз уларни тингламай қўйдикми?!

Умуман олганда, бугун карантинда ўтирар эканмиз, шу масалаларни бир ўйлаб кўрадиган палла келди. Ўзбек аёли сабрли, матонатли. Оғир кунларда доимо жонбозлик кўрсата оладиган зот! Ҳозир ҳам бир кўли қозонда бўлса, бир кўли болаларнинг онлайн дарслари билан овора. Оиладаги катталарнинг дуоси, турмуш ўртоғининг ризолиги, болаларнинг қобилиги унга туғанмас куч-қудрат, ғайрат беради.

Аёл байрамлари севади. Бир ширин таом қилиб ҳам, қизига бир чиройли қўйлак тикиб бериб ҳам, қўшнилари меҳмонга чақириб ҳам байрам қилаверади аёл. Бугунги карантин кунларида ҳам болаларига эртак

айтиб, шеър ёдлатиб ҳам шукроналик ҳиссини ўргатаётгани аниқ. Оила хотиржамлигини сақлаб тура оладиган ягона хилқат бу — Аёлдир!

Бугунги карантин кунларида уйда ўтириб, қизларимизнинг келажиги ҳақида янаям муфассал ўйлашга етарлича вақтимиз бор. Азизларим, олам, синглим, тенгдошим, қизларимизни турмушга тайёрлашимизми? Ҳа, албатта, дейсиз: курслар очилган — пишириқ, турли миллат таомлари, тикув-кашта тикиш, уқалаш, рақс ва ҳоказо.

Қани буларнинг ичида "Мен тушаётган оила" курси? Қайнота-қайнона, қайин акаю қайин сингил, оловин каби дарслар борми? Уларнинг ҳар бирларига бир неча соатларни ажратиш мумкин-ку. "Қут-барока, увол", "Ҳалол ва ҳаром", "Бола боқиб", "Кўнгил олиш"

каби курслар бўлса, қани эди. Авваллари бу дарслар бор эди. Ҳа, ишонаверинг, бу курсларнинг директори бувимиз, ўқитувчиси онамиз, тарбиячилари опамиз, келинонимиз бўлар эди. Ҳозир кўп нарсани маҳаллага юклаб қўймадикми?

Баъзи аёлларимиз туғуруқ столидан тушмай туриб: "Қизим бахтли-тахтли бўлади, яхши жойларга келин бўлади, бой-бадавлат, маликалардек, эркин, озод бўлиб яшайди", деб ният қилади. Тўғрими? Оғзимиздан чиққан ҳар бир сўз бизнинг тақдиримиз эканлиги ҳам аён.

Биринчи кундан бошлаб ошқора сеп йиғиш билан овора бўлаётган ота-онанинг ҳаракатларини кўриб, ўсган қиз молпараст бўлади. Тўғри, авваллари ҳам оналаримиз отасига ҳарна ёрдам, деб сеп йиққан, тўртта киймай, иккита кийган, иккитасини эса сепга ташлаган. Аммо у сепларни токи кимгадир унашимагунча қизига кўрсатмаган. Кўнгли бузилмасин, фикри чалғимасин, деб. Ҳатто икак матоли атласларни ҳам кийгизимас эдиларки, эрта уйғониб қолади, деб.

Ҳайхот, энди-чи?! Энди "малика" бўлиш орасида яшаган қиз бечора тўйдан кейин қараса, на "қирол" бор, на тахт. У ерда фақат "хизматкор" лик. Ана, ажримнинг энг биринчи сабабларидан бири!

Тўйдан олдинги совға-саломлар, сайру саёҳатлар, худди ҳинд киносидагидек ўлдим-қўйдимлар йўқ. Турмушга чиқиш фақат ишқий саргузаштлардан иборат деб ўйланганлар учун оила тутиш меҳнатлари оғир кечади ва мулақо бундай ҳаётга тайёр эмаслар учун чидаб бўлмас зуғумдек туюлади.

Қизим ҳеч нарсани билмайди, хизматкор қўшиб бераман, қуда хафа бўлмайсиз-да, дейдиган юзи қаттиқ оналар ҳам кўпайиб қолди. Лекин бу кўп ҳолатларда иш бермади. Тўғри-да, уйда яна бир бегона одамнинг юриши кимга ёқди. Хизматкор кетгандан кейин ношуд келин масаллиқларни увол қилавергач, ишларнинг бош-охирини тополмай қолган, қайнона панд-насиҳат қилади. У, албатта, "малика турандода" ёқмайди. Мана, уларнинг ўрталарида тушган биринчи совуқлик!

Ихтимомий тармоқларда синфдош қизлар йигит талашиб, бир-бирларини уриб ташлаётганлари, ваҳшииларча пичоқ қўтариб, ўқитувчиларига пўнса қилаётганларининг гувоҳи бўламиз. Ўша қизлар, эмасми, келин бўлгандан кейин қайнонасини, эрини ўлдириб, гумдон қилаётганлар, туғиб, норасидасини ифлос жойларга ташлаб кетаётган жувонлар... Бунга нима дейсиз? Бундай воқеалар тарихда бўлганми, бунчалик ошқора, беҳаёлларча тус олганми? Мана, ажримларнинг яна бир сабаби.

Юқорида ёмон тарбияли қизлар ҳақида сўз юритдик. Тўғри, улар жуда оз фойзини ташкил этади, лекин улар бор-да. Битта бўлса ҳам кўп биз учун, бизнинг миллат учун. Юқорида келишиб олганимиздек, ҳамма асл қизларимиз бизнинг ютуғимиз, бойлигимиз, фахримиз, гуруримиз.

Биз бугун ўзини тарбиялаш борасида бош қотирар эканмиз, кўзимиз кўриб, ҳулогимиз эшитиб турган иллатлар ҳақида гаплашялми. Зеро, икром тавбанинг ОНАСИДИР! Шундай экан, келинг, бугунги карантин кунларида қизларимизга, сингилларимизга ўзбекона урф-одатларимизни ўргатайлик. Қадриятларимизни қадрлашга чорлайлик. Қиз миллат келажиги эканини, авлодлар эса ундан андоза олишини кулога қуяйлик. Ойланинг фариштали, сариштли бекалари бўлиб етишишида биз оила бошлари, бувиларнинг, оналарнинг ўрнимиз ибрат бўлсин.



Женисбек ПИЯЗОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Коронавирус пандемияси биз учун синов ва ибрат бўлиб, ҳаммамизни яна бир бор чуқур ўйлашга даъват этди. Бутун ҳеч ким бекордан бекорга кўчага чиқмай, уйда ўтирибди. Биз санъаткорлар эса уйда қолган юртдошларимизнинг кайфиятини оз бўлса-да кўтариб туришга бел боғлаганмиз.

УМИД ЭНГ КАТТА ҚАЙҒУДА ҲАМ МАДАД

Пандемия юртимизга кириб келиши билан ҳар бир соҳа вакиллари ўз фаолиятдан келиб чиқиб, имконияти даражасида халқимизнинг руҳини кўтаришга, уларни хотиржам қилишга уринди.

Шу йилнинг апрель-май ойларида кўплаб санъаткорларимизнинг концерт дастурлари режалантирилган эди. Катта тайёрларлик билан кутилган концертлар қолдирилишига қарамасдан, улар телевидендеда ва ижтимоий тармоқларда жонли концерт дастурларини ташкил этди.

Ҳар кун пандемия ҳақида турли маълумотларни эшитиб келаётган инсонлар хавотир ва тушқунликка тушиб қолишлари табиий. Шундай пайтларда кўнгличор дастурлар халқимиз руҳиятида ижобий муҳит яратишга ёрдам беради.

Бундан ташқари, устоз санъаткорлар Абдуҳошим Исмоилов ва Тоир Қўзиев онлайн дарслар ташкил этишди. Мен ҳам устозлар билан биргаликда онлайн дарсларда иштирок этиб, ўз билимларимни талабаларга улашмоқдаман.

Эътибор берган бўлсангиз, ҳеч бир санъаткор уйда бекор эмас. Янги-янги қўшиқлар ижро этиляпти, хонандалар ўз уйларида халқимиз учун ижодий концертлар бериб борапти. Маданият вазирлиги ва Ёшлар иттифоқи томонидан турли челленж ҳамда тарғибот ишлари амалга оширилмоқда. Бунда ҳам санъат аҳлининг фаоллигини кўришимиз мумкин.

Ишончим комилки, кўплаб балоларни бошидан ўтказган, минг чиғирикдан омон чиққан халқимиз бу синовни ҳам бирдамликда енгади.

Энг муҳими, биз санъаткорлар элимизнинг қувончли кунларида ҳам, ташвишли дамларида ҳам улар билан доимо ҳамнафасмиз, улар қалбиде келажакка умид уйғотялми. Умид эса энг катта қайғуда ҳам мадад бўла олади.

Таълим

ПАНДЕМИЯ талабаларнинг билим олишига ХАЛАЛ БЕРОЛМАЙДИ

Ғофур ЭШОНҚУЛОВ, Ўзбекистон Миллий университети физика факультети декани

Бугунги кунда коронавирус пандемияси оқибатларини юмшатиш масаласида кўрилатган чора-тадбирларда таълим соҳаси ходимлари ҳам четда қолаётгани йўқ. Узлуксиз таълимнинг барча бўғинлари онлайн ҳамда масофавий таълим шаклига ўтказилди. Бундан асосий мақсад берилаётган таълимнинг узлуксизлигини сифатли материаллар ва замонавий методик ёндашувлар орқали давом эттириш ҳамда таълим олувчилар яшайдиган муҳитдаги ижтимоий хотиржамликни таъминлаш, шунингдек, уларни психологик қўллаб-қувватлашдир.



1 апрелдан расмий ett.nuu.uz веб-сайтида тўлиқ ишга туширилди. Масофавий таълимга кундузги, кечки, сиртқи таълим ва магистратура таълим йўналиши ва мутахассисликларидеги 15 минг 465 нафар талаба қамраб олинди.

Президентимиз коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишни кучайтириш масаласида шу йил 3 апрелда ўтказилган видеоселектор йиғилишида уй шароитида тахсил олаётган талаба ва ўқувчи ёшларга ҳам мурожаат қилиб, жумладан, қуйидагиларни таъкидлади: "Азиз фарзандларим, уйда вақтингизни бекор ўтказманг! Онлайн дарсларни кунт билан ўзлаштиринг. Китоб ўқинг, билимингизни оширинг, бадан-тарбия ва жисмоний машқларни бир кун ҳам қолдирманг". Ушбу мурожаатда таъкидланган масалалар барча ёшларнинг кундалик ҳаёт тарзига айланиши учун зарур чора-тадбирларни кўриш талаб қилинар эди.

Республика махсус комиссияси йиғилиши баёни ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазирининг шу йил 27 мартдаги "Олий таълим муассасаларида масофавий таълимни жорий этиш тўғрисида"ги буйруғида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида барча олий таълим муассасаларида тахсил олаётган 360 мингдан ортиқ талаба учун 1 апрелдан бошлаб масофавий таълим йўлга қўйилди.

Шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан таътил вақтида талабаларнинг билим олиш даражасини масофадан туриб қўллаб-қувватлаш мақсадида ТАС-IX тармоғида tube.edu.uz видеопортали, телеграм ижтимоий

тармоғида энг малакали профессор-ўқитувчилар томонидан тайёрланган видеомаърузалар жойлаштирилладиган @eduuz_online лойиҳаси, методик қўмақлашувчи dist.edu.uz масофавий таълим платформаси ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Худудий телеканалларда олий таълим муассасалари талабалари учун онлайн дарслар йўлга қўйилмоқда. Мирзо Улўбёк номидаги Ўзбекистон

Миллий университетиде ҳам масофавий таълимни йўлга қўйиш буйича муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, профессор-ўқитувчи ва талабалар томонидан яратилган масофавий таълим платформаси шу йил 1 апрелдан расмий ett.nuu.uz веб-сайтида тўлиқ ишга туширилди. Масофавий таълимга кундузги, кечки, сиртқи таълим ва магистратура таълим йўналиши ва мутахассисликларидеги

15 минг 465 нафар талаба қамраб олинди.

Шу йил 24 мартдан профессор-ўқитувчилар масофавий ишлашга ўтказилди ва ўқув машғулотларини белгиланган дарс жадвали буйича амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Профессор-ўқитувчилар томонидан Camtasia Studio, Bandicam, Movavi Screen Recorder Studio электрон дастури махсуслаштирилган

фойдаланган ҳолда талабалар учун видеодарслар тайёрланди.

Хорижлик етмиш нафар талабанинг масофавий таълимдан фойдаланиши учун тўлиқ шарт-шароитлар яратилган.

Битирувчи курс талабаларининг давлат имтиҳонини онлайн тарзда ўтказишга алоҳида тайёрларлик кўрилмоқда. Ўзбекистон Миллий университети Жиззах филиалининг талабалари учун ҳам ушбу масофавий таълим порталидан фойдаланиш имконияти яратилди.

Еш тадқиқотчиларнинг илмий изланиши олиб боришни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги пайтда таянч докторант ва докторантлар ҳамда магистрантларнинг илмий раҳбарлари билан фаолиятини масофадан туриб давом эттириши учун тўлиқ шарт-шароит мавжуд.

Карантин даврида профессор-ўқитувчилар томонидан талабаларнинг ҳар бир фанни пухта ўрганиши учун зарур адабиётлар яратишга долзарб масала сифатида қаралмоқда. Жумладан, мазкур ўқув йилида 66 та дарслик, 172 та ўқув қўлланма яратиш устида жиддий изланиш олиб борилмоқда.

Талабаларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида университет миқёсида "Энг яхши илмий мақола" танлови эълон қилинди. У ҳар бир факультет талабалари учун алоҳида ўтказилади ҳамда ғойиблар моддий рағбатлантирилади. Сараланган мақолалар "Иқтидорли талабаларнинг илмий натижалари" номи тўпламда нашр этилади.

Шу ўринда азиз талабалардан карантин мuddатиде уйда бекор ўтирмай, онлайн дарсларда мунтазам қатнашиш, устозлар билан доимий мулоқотда бўлиш, карантин билан боғлиқ тартибларга, шахсий гигиена қоидаларига, жисмонан соғлом бўлишга алоҳида эътибор қаратишларини сўраган бўлар эдим.

Қадрият

Шоазим МИНОВАРОВ, Ислом цивилизацияси маркази директори

— Отни олинг, Матқовул ака! — А? Нимага? — дея ҳайронликдан Матқовул аканинг кўзлари бир нуқтага тикилди. — Келинбўшимни ҳам, болаларни ҳам қийнаманг. Отни олиб, ерингизни ҳайдаб олинг. Матқовул ака шошиб қолди. Дунёда шўригавгодан, бахтиқароликдан ўзгасини кутмаган бир бечора учун ақл ишонмайдиган бахт эди бу. Худодан тани соғлиқ сўрагани эсида, беимон ўлдирма, деб илтижо сўрагани эсида, аммо мушкулмини осон қил, ерни ҳайдаб олай, от бергин, деб сўрамаган эди-ку!

(Мирзакалон Исмоилийнинг “Фаргона тонг отгунча” романидан).



САХОВАТ ПЕШАЛИК — ЮКСАК МАДАНИЯТ ВА ЭЪТИҚОД БЕЛГИСИ

Қўшилларнинг бир-бирларига оқибати, бир-бирларига ёрдам қўлини чўзишларига ёшлигимдан гувоҳ бўлиб келганман. Тўғрима-тўғри жойлашган ҳовлининг уй бекаси Уғлило опа билан онамиз раҳматли тасиқ оғзақ қилган кўнлари, албатта, ундан оилаларини баҳраманд қилишга интиларди. Ён қўшилларимиз билан ҳам аҳвол шундай эди. Айниқса, татар миллатидан бўлган Мунира аянинг парамачлари мазаси ҳамон оғзимда қолган. Уй қуриш, таъмирлаш ҳам ҳашар билан битгани эсимда. Уруш йиллари фронтга яқин ерлардан кўчирилган болаларни темир йўл бекатининг ўздаёқ саховатпеша ўзбек оилалари ўз бағрига олганлари маълум. Эллик тўрт йил илгари рўй берган Тошкент зилзиласи даврида ҳам бошпанасиз қолганларни уйи камроқ зарар кўрганлар ҳовли-жойларига таклиф қилиб, бир оила бўлиб яшаган. Яхши-ёмон кўнларда қўшиллар ҳамон бир-бирларига сўянадилар. Қуни кеча видеомулқотда Малайзия Исломни англаш институти директори, профессор Азиза Баҳоруддин ўзбек маҳалласининг диний-маърифий, саховат, тарбия ишларидаги тажрибаси Малайзияни қизиқтираётганини айтди. Аввалроқ айнан шу гапларни покстонлик ҳамкорларимиз ҳам таъкидлаган эди.

Узаро ёрдам, елкадошлик ҳисси, эҳтиёж-мандаларга ёрдам қўлини чўзиш туйғуси ҳалқимизнинг азалий фазилатидир. Ушбу фазилат кейинги ойларда бутун дунёни ташвишга солиб қўйган янги юқумли касаллик — тождор вирус тарқалиши муносабати билан эълон қилинган вақтинчалик карантин пайтида, айниқса, ёрқин намоеън бўлмоқда. Карантин эълон қилинишидан аввалроқ Ўзбекистон раҳбари томонидан мамлакат аҳолисининг муайян қисми (турли сабабларга кўра) камбағаллик даражасида экани тан олинди ва уни тугатиш, биринчи навбатда, эҳтиёжман аҳолининг турмушини юксалтириш бўйича чора-тадбирлар белгиланган эди.

Карантин оқибатида азият чекканлар, аввало, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотганлар, вақтинча ишсизлар, ногиронлиги борлар ва кўп болалик оилаларга давлат ҳамда саховатпеша инсонлар, тадбиркорлар томонидан ёрдам берилган бўлганда, тадбиркорлар учун белгиланган имтиёзлар улар томонидан аҳолига кўрсатилаётган саховат ёрдами кўламининг янада ошишига шартит яратди.

Кеча ва бугуннинг ўзида Фаргона водийси вилоятларида уйини сотиб, муҳтожларга ёрдам кўрсатган, яқиндагина тадбиркорликни бошлаб, 50 оилани озиқ-овқат билан таъминлаётган, зангори экрандан туриб уч болалик бева аёлга бир ярим ойда уй қуриб бераман, деяётган тадбиркорни, минг оиллага тарқатилаётган соғин ситирлар, хали шў фаолиятини бошламаган ёшларимизга ер участкаларининг ажратиб берилганлиги, ҳам саховат маркази, ҳам аҳоли томонидан тарқатилаётган озиқ-овқат, биринчи эҳтиёж молларини кўриб, киши хаяжонга тушмайди. Албатта, ушбу рўйхатнинг бошқа карантиннинг дастлабки кўнлариданоқ ҳалқимизга ёрдам қўлини чўзган, фан, санъат ва спорт ҳўмойиси, машҳур ватандошимиз Алишер Усмонов, Москвадаги элчихонамизга катта мидорда ёрдам пули

олиб келиб берган яна бир ватандошимиз жой олган. Қолаверса, кечаю кундуз меҳнат қилаётган раҳбарларимиз, ҳуқуқ-тартибот идораларидаги ходимлар, қаҳрамон шифокорларимиз, онлайн машғуллотлар ўтказётган устозларимиз шижоати ҳам муқаддас ислом динимиз, демакки, яратган Аллоҳ ва унинг Пайғамбари (с.а.в.) мақтаган, ёқтирган, даъват қилган амаллардир.

Мазмун-моҳияти, даъвати, мақсадлари билан илм-маърифат, инсонийлик, эзгулик ва бағрикенглик бўлган табаррук динимиз ҳалқимизда саховат, елкадошлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик туйғуларини асрлар мобайнида шакллантириб келмоқда. Динимиз таълимотида саховат ва ёрдам алоҳида қадрланадиган фазилатлар сифатида улуғланади. Кези келганда тан олиш керакки, ҳалқимиз хар доим саховатни оғринмасдан ва оргинтирмасдан қилиб келмоқда. Бу эса элимизнинг азалий ва аънаванавий маданияти белгисидир.

Қуръони каримнинг “Бақара” сураси 177-оятини ҳаммамиз учун эслатмоқчиман: “Яхшилик фақат намоз пайтида юзларингизни Шарқ ва Ғарб томонга ўгиришарингизда эмас. Энг яхши инсон Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, илоҳий китобларга ва пайғамбарларга имон келтиради. Аллоҳга муҳаббати йўлида молини яқинларига, етимларга, мискинларга, йўловчиларга, садақа суровчиларга, қарздорларнинг қарзларига сарф қилади. Имон келтирганлар намозларини ўз вақтида адо этадилар, мискинларга закот берадилар, ваъдаларига вафо қиладилар, фақирлик ва бетобликда сабр қиладилар. Ҳақиқатқўйлар ва тақво эгалари ана ушлардир”.

Нисо сурасининг 114-оятда эса бундай дейилади: “Одамларнинг бир-бирларига бекорчи сўзларни айтишларида ҳеч бир хайр ва савоб йўқдир. Магар уларнинг бир-бирларини яхши ишларга ва садақотларга чақирди, ислоҳга даъват қилиб айтган сўзларида хайр ва савоблар бор ва улар, албатта, ажр топайлар. Ким шу амалларни Аллоҳнинг розилиги учун қилса, қиёмат кунини ўша бандаларга ажри азийм берамиз”.

“Мен яхши хулқларни янада такомиллаштиргани юборилдим”, дея хитоб қилган Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам саховат эгаларини мақтаганлар. У кишидан ривоят қилинган ҳадиси қудсийда: “Албатта, ризқ эшиги етти осмоннинг устидан очилди. У Аршгача етиб борган. Уша эшик туну кун ёпилмайди. Аллоҳ ҳар бир бандага нияти, сарфи, садақа ва инфоқ қилишига қараб, ўша ризқдан туширади. Бас, ким садақани кўпайтирса, унга ҳам ризқи кўпайтирилади. Ким камайтирса, унга ҳам камайтирилади. Ким бахиллик қилиб ушлаб қолса, ундан ҳам барака ва кенг ризқ ушлаб қолинади”, дейилган. (Ҳаким Термизий ривояти).

Руза ойининг соқин, баракотли, ажр-савоб берадиган кўнлари бошланди. Улаомларимизнинг айтишларича, ушбу ойда қилинган хайр-эҳсонларнинг ажри улғудир. “Саховат ва кўмак” марказлари, “Вақф” хайрия жамғармиси, бошқа хайрия фондлари орқали ёки бевосита эҳтиёжман қўни-қўшилларимиз, қариндош-уруғларимиз, ёр-дўстларимизга ёрдам кўрсатилки, табаррук руза ойда ажру савоблардан умидвор бўлайлик!

Бошқа барча юртлар қатори, суюкли Ватанимизга ва ҳалқимизга тождор вирус синовидан талафотларсиз ўтиб олиш насиб қилсин! Табаррук ойда қилаётган ибодатларимиз, дуоларимиз Яратган ҳузурда қабул бўлсин!

Мулоҳаза



Шароф БОШБЕКОВ, драматург

Тирикчилик ташвишида уззукун кўчада юрган одам бирданига уйда ўтириб қолса галати бўларкан. Хотин-халажнинг қозон-товоғига ҳам аралашаваркансан: — Пиёзни яхшилаб қовур, ўтган сафар тирик бўп қолибди! Шунчаём ёр соладими, тўй қилясанми?! Аёлимга Худо тўзим берсин. Ахир минг йилдан бери овқатингни қилиб келяпти-ку, пиёзни қандай қовуришга, қанча ёр солишга ақли етса керак, дейдиган одам йўқ. Ҳечқиси йўқ, хали узр сўраб қўяман, тўшунар — карантинчилик...

Қишлоққа телефон қилдим. — Ваҳиманинг бари шаҳарда, бизда ҳеч гап йўқ, — дейди жияним. — Фақат Самарқанд Берк — кириб-чиқолмаймиз, туманлар очик, бозорлар ишлаб турибди. Уйқудан туриб, одатдагидея, оғилдаги мол-ҳолдан хабар оламиз, кейин юз-кўлни ювиб, чой ичамиз. Чойдан кейин томорқадаги ишлар билан банд бўламиз. Карантин ҳаётимизни издан чиқариб юборгани йўқ. Карантин бўлса ҳам, бўлмаса ҳам шу иш, шу тирикчилик. — Ҳа, айтадиган, яна бир гап, — дейди жияним. — Сизга қизиқми, тоға, қизиқмасми — одамлар ўлмай қўйди! Биласиз, қишлоғимиз катта. Ҳар ой, бўлмаганда, иккита учта аза бўлиб тургич эди. Энди-чи, ҳамма ёқ жимжит! Карантин деган нарсачи-ю, ҳеч ким ўлмай қўйди. Одамлар “Фалончи коронавирусдан ўлибди”, деган маломатдан кўриб, ўлмай қўйдимикан-а, тоға?

Жиянимнинг бу гапига қулиб қўя қолдим. Ўзингиз тушунасиз, бу ёғи карантинчилик... “Сенда на қош бор, на киприк”, деб аёлимнинг жигига тегиб юрардим. Анов кун карантин сабаб никоб тақиб, оғзи-бурнини бекитиб юрган эди, қарасам, киприк ҳам жойида, балоғинадай қош ҳам бор. Ҳайрон бўламан, илгари нега пайқаманган эканман? Ахир уйга кеч келганимда қош жонивор минг мартаб чимирилган-ку! Узига айтсам, аёлим:

— Энди қариганда кўрдингизми? — деди ўсмонқилб. — Ҳа энди, ёшлиқда юзингнинг бошқа жойларига кўпроқ эътибор қилгандирман-да! Туриб-туриб, икковимиз бараварига қулиб юборамиз. Карантинчилик... Ҳамма нарсачи сабабда билинади: соғлиқ қадрини хасталиқда, озодлик қадрини тутқинликда, тинчлик қадрини муҳорабаларда. Коронавирус отлик бўло ҳам ўтиб кетар, кейин-чи, кейин қандай яшаймиз? Яна “эски тос — эски ҳаммом”ми? Йўқ, биз бошқача бўламиз. Бир-биримизга эътибор-лирик, муҳаббатлирик, меҳр-оқибатлирик, Фарзандларимиз қуруқчи “Қалай, яхши ўтирибсизларми”, деб ёнимиздан ўтиб кетмайди, соатлаб қаршимизда ўтириб, ичимизда тўлиб кетган қариччилик ҳасратларини тинглайди. Эрақлар аёлига “Бугун кеч келаман, мажлисимиз бор, кечки овқатга мени кутманлар”, демай уйга шошадиган бўлади. Кўчада қоптоқ тепаётган ўғлимиз “Ойи, яна беш минут уйнай”, демай онасининг қошига учиб келади. Буй етган қизимиз дугонасиникидан айтилган вақтдан олдин келиб ўтирган бўлади. Бобо-бувилар невараларни одатдагидан узокроқ ва маҳкамроқ бағрига босади.

Карантинчиликдаги “айрилиқ”ларнинг ҳиссасини чиқариш учун ҳам шундай яшашимиз керак. Қўни-қўшни, қариндош-уруғларини учратганда, шунчаки бош силкиб ўтиб кетиш эмас, тўхтаб, астойдил бағримизга босиб, кўнгил сўраймиз. Мундоқ ўйлаб қаралса, чиндан ҳам биз шунчаки саломомламиз, шунчаки хайрлашамиз, ўша одамнинг кўзларини кўраймиз, афт-ангорига назар солмаймиз, одат бўлиб қолган сўзларни шунчаки такрорлаймиз, холос.

Зеро, коронавирус бизга бу дунё омонатлигини, шундоқ ҳам қисқа, бир тутам умрни беҳудага сарфламаслигини эслатиб тургандай. Карантинчилик...

Тиббиёт

КРЕМНИЙ ЭРИТМАСИ ҳимояланишда самарали восита

Шахноза МАВЛОНОВА, Республика иختисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази лаборатория мудири, Инновацион ривожланиш вазирлигининг тиббиёт фанлари бўйича илмий кенгаш раиси ўринбосари

Айни пайтда пандемияга қарши курашишда ҳимоянинг барча йўлларидан фойдаланилмоқда. Никоб тақиш, қўлқоп кийиш, химоя кийими, турли антисептик воситалардан фойдаланиш шулар жумласидан. Бироқ тери ва шиллиқ пардаларни химоя қилиш бўйича дезинфекцияловчи моддалардан ташқари ҳеч қандай терапевтик ва профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаган. Ҳўш, биз теримизни ва шиллиқ қаватларни (оғиз, бурун) қай даражада химоя қила олаймиз? Ахир, антисептик воситаларни юз териси учун ишлатолмаймиз-ку?!

COVID-19 вирусининг ўта юқумлилиги, организмнинг ички тизимларига тез таъсирчанлиги ва шу орқали касалликнинг асоратли шакллари, жумладан, бронх-ўпка, юрак-қон тизимлари касалликларининг ривожланишига олиб келиши қайд этилмоқда. Бу ҳолатда беморларни, асосан, тизимли, яъни вирус, бактерияларга қарши дори воситалари ва стероидлар ёрдамида даволаш ишлари олиб борилади.

Ушбу пандемияга қарши курашда илмий изланишлар алоҳида ўрин тутади. Мамлакатимизда COVID-19 инфекциясига қарши самарали курашиш мақсадида давлат дастури доирасида илмий лойиҳалар учун эълон қилинган танловлар Ўзбекистон тиббиёт фани олдига жиддий вазифаларни қўйди.

Бугунги кунда касаллик профилактикаси масаласи долзарблигича қолаётгани ҳеч кимга сир эмас. Карантин тугаганидан кейин тиббий никоб ва қўлқопларда юриш, дезинфекцияловчи воситалардан фойдаланиш каби профилактика чоралари қўрилса-да, хасталикнинг юқуш хавфи долзарб бўлиб қолади.

Шу боис, барча соҳа вакиллари қатори юртимиз дерматологларининг олдига ҳам вирусли ва бактериал инфекцияларга қарши курашишда шартли патоген, жумладан, вирусли микроорганизмлар билан организмнинг зарарланиши учун туйнук бўлиб хизмат қилувчи тери қопламлари ва шиллиқ қаватларга доир даволаш-профилактика чораларининг янги технологияларини яратиш вазифаси қўйилди. Шу масалаларни ҳал этиш бўйича Республика иختисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази олимлари ҳам COVID-19 вирусли инфекциясига қарши курашда қўлланадиган даволаш-профилактика чора-тадбирларининг янги усуллари устида тадқиқотлар олиб бормоқда.

Жумладан, марказ томонидан Ўзбекистон табиий ресурсларидан фойдаланган ҳолда, ташқи муолажаларда ишлатиш мумкин бўлган воситаларнинг янги авлоди, шулардан келиб чиқиб, клиник протоколлар, профилактика усуллари яратиш бўйича ишлар олиб бориламоқда.

Тиббий минералларга бой бўлган активлашган кремний эритмалари ялғизлаши ҳамда микст-бактериялар, вирусли инфекцияларга қарши хусусиятларга эгаллиги илмий тадқиқотларда ўзифодасини топди. Дерматология амалиётида тери касалликларини даволашда икковий натижасини кўрсатди. Шунини айтиш

жоизки, нафақат касалланган, балки соғлом кишилар ҳам фойдаланса бўладиган мазкур воситалар профилактика жараёнида анча самара беради.

COVID-19 инфекциясининг юқуш манбаи касалланган инсон ёки ҳайвон бўлиб, у одамларга, асосан, ҳаво-томчи ва контактли юқуш йўллари орқали ўтади. Шу туйғайли касалликнинг олдини олиш мақсадида барчамиз дезинфекция воситаларидан, никоб ва резинка қўлқопларидан мунтазам фойдаланялмиз. Бироқ бунинг натижасида тери яллиғланиши, тери қуриши, ёрилиши каби ҳолатлар қузатилади ва жараёнинг зўрайиши кўзга этилади. Бу микроорганизмларнинг инсон организмидея сақланиши эҳтимолини орттирибди ва патогенли микроорганизмларнинг кўпайишига қулай шартит яратди. Оддий айтадиган, бу кейинчалик янги вирусли ҳамда микст-бактериал инфекцияларнинг ривожланишига сабаб бўлади.

COVID-19 инфекциясининг яқин мулоқот туйғайли юқушини ҳисобга олсак, тери микробиотаси (теридаги микроорганизмлар маҳжуми) ҳолатини, pH муҳитини, липидлар ҳолатини яхшилаш орқали терининг тўсиқ (барьер) функциясини ошириб, инфекцияларни ташувчи ёки улардан зарарланганлик даражасини камайтириш мумкин. Бу ўз навбатида, COVID-19 билан касалланиш кўрсаткичларининг пасайишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Биз ўрганаётган кремнийли тоникни оғиз ва бурун бўшлиғини чайиш, сочи парваршиллашда ишлатиш мумкин. Бугунги карантин шароитида бу воситаларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича лойиҳалар тегишли ташкилотларга тақдим этилди. Келажақда экспорт қилиш ҳам кўзда тутилмоқда.

